



№5

MOLIYAVIY TEXNOLOGIYALAR

ILMIY ELEKTRON JURNALI



ISSN: 2181-3965
VOLUME 5
TOSHKENT 202

“MOLIYAVIY TEXNOLOGIYALAR” ILMIY ELEKTRON JURNALI TAHRIRIYAT KENGASHI RAISI

To‘lqin Zakirovich Teshabayev – tahririyat kengashi raisi. Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti rektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

TAHRIRIYAT KENGASHI

Mehmonov Sultonali Umaraliyevich – Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, O‘quv ishlari bo‘yicha birinchi prorektor, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Abdurahmanova Gulnora Qalandarovna - Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo‘yicha prorektor, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Karimova Komila Daniyarovna - Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Yoshlar masalalari va ma‘naviy-marifiy ishlar bo‘yicha birinchi prorektor, iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent

Xudoyqulov Sadirdin Karimovich - Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Hududiy ta‘lim masalalari va markazlar bo‘yicha prorektor, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Sindarov Sherzod Egamberdiyevich – Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Infratuzilmalarni rivojlantirish va iqtisod ishlari bo‘yicha prorektor, iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent

Saparov Aktam Jo‘rayevich – bosh muharrir, filologiya fanlari doktori

Islamkulov Alimnazar Xudjamuratovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Pardayev Abdunabi Xoliqovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Kuziyev Islomjon Ne‘matovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Baymurotov Tursunbay Maxkambayevich – iqtisodiyot fanlari nomzodi, professor

Omonov Akrom Abdinazarovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Sharipov Qongratbay Avezimbetovich – texnika fanlari doktori, professor, O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta‘lim, fan va innovatsiyalar vaziri

Jumayev Nodir Xosiyatovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor, O‘zbekiston Respublikasi Oliy Kengashi deputati

Haydarov Nizomiddin Hamroyevich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Raviprakash G. Dani – Xalqaro ta‘lim konsultanti, professor (AQSH)

Bagautdinova Nailya Gumerovna – Qozon federal universiteti Boshqaruv, iqtisodiyot va moliya instituti direktori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Rossiya Federatsiyasi)

Sharifzoda Mu‘min Mashokir – Tojik davlat huquq, biznes va siyosat instituti rektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Tojikiston Respublikasi)

Maley Elena Borisovna – Polotsk davlat universiteti rektori, iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent (Belarus Respublikasi)

Asif Mahbub Karim – Malayziya Menejment va tadbirkorlik universiteti professori (Malayziya qirolligi)





Piter Xayk – Yevropa amaliy fanlar va menejment instituti ilmiy ishlar bo'yicha prorektori (Chexiya Respublikasi)

Yavuz Demirel – Kastamonu universiteti professori (Turkiya Respublikasi)

Jo'rayev Abdug'affor Safarovich – Termez agrotexnologiyalar va Innovatsion rivojlanish instituti rektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Ismanov Ibroxim Nabiyeovich – Farg'ona politexnika instituti kafedra mudiri, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Xayriddinov Azamat Botirovich – Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti prorektori iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent

Tashnazarov Samiddin Nizamovich – Samarqand iqtisodiyot va servis instituti kafedra mudiri, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Nurmanov Ulug'bek Anorbayevich - Bank-moliya akademiyasi “Buxgalteriya hisobi va audit” kafedrasida professori, iqtisodiyot fanlari doktori

Yakubova Nargiz Tursunbayevna – iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

Mamatov Baxadir Safaraliyevich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Qiyosov Sherzod Uralovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Urazaliyev Kamoliddin Tajikulovich – iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent

JURNAL TAHRIRIYATI

Saparov Aktam Jo'rayevich – bosh muharrir, filologiya fanlari doktori, dotsent

Avlokulov Anvar Ziyadullayevich – ilmiy muharrir, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Aliqulov Mehmonali Salohiddin o'g'li – mas'ul muharrir, iqtisodiyot fanlari doktori (DSc), dotsent

Buxorova Moxira Samandarovna – muharrir

O'zbekiston Respublikasi OAK Rayosatining 2023-yil 3-iyundagi 364-son qarori bilan “Moliyaviy texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) va fan doktori (DSc) ilmiy darajasiga talabgorlarning dissertatsiyalari yuzasidan assosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

“Moliyaviy texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali

23.11.2022-yildan

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan **№R-566966** reyestr raqami tartibi bo'yicha ro'yxatdan o'tkazilgan.

Litsenziya raqami: **№049864**





MUNDARIJA			
1.	Meyliyev Obid Raxmatullaevich	Soliqlarning budget daromadlaridagi ahamiyatini oshirish	7
2.	Мирзаева Матлуба Ғайбулла қизи	Тижорат банкларининг капитал базасини мустаҳкамлашнинг методологик ва амалий асосларини такомиллаштириш	14
3.	Жабборов Насриддин Мирзаодилович, Юнусова Шохсанам Муротовна, Бебутова Зулайхо Хамидовна, Сафарова Севара Қаҳрамон қизи	Тошкент вилояти туристик ҳудудлари имижли модели учун барқарорлик таҳлили	19
4.	Мухамедова Севара Абдуллаевна	Тижорат банкларида кичик бизнес лойиҳаларини кредитлашда банк таваккалчиликларини баҳолаш ва бошқариш тизими	27
5.	Abduqayumov Elyorbek Ulug'bek o'g'li, Yo'ldosheva Oygul Zokir qizi	Janubiy Koreya kinoindustriyasining iqtisodiy rivojlanishdagi o'rni va ta'siri	33
6.	Umarova Shahnoza	Moliyaviy faoliyat bo'yicha baholangan majburiyatlar hisobini takomillashtirish	40
7.	Muydinov Xusniddin Nuriddin o'g'li	Avtomobilsozlik korxonalarining xarajat samaradorligini ekonometrik modellash	46
8.	Akromov Shohrux Shuhrat o'g'li	O'zbekistonda auditorlik faoliyatini tashkil etishning zaruriyati va uning ahamiyati	57
9.	Kurbanbayev Jurabek Eruvbayevich, Akromov Shohrux Shuhrat o'g'li	Auditorlik tekshiruvlarida tashqi tasdiqlardan foydalanish va ichki nazorat tizimining samaradorligini oshirish	66
10.	Абдурахманов Ўрол Наврўз ўғли	Акциядорлик жамиятлари аудитида таҳлилий амалларни қўллашни такомиллаштириш	71
11.	Sayfiddinov Sarvarbek Anvarbek o'g'li	Yoshlar biznes-loyihalarini moliyalashtirishda kredit va investitsiya resurslarining o'rni	80
12.	Shodiyev Yashnarbek Baxriddin o'g'li	Davlat moliyaviy nazoratini modellar va metodologik yondashuvlarini xalqaro standartlar asosida takomillashtirish	92
13.	Muydinov Baxodirjon Numanovich	Korxonalarda ichki auditni tashkil etish va takomillashtirish	101
14.	Mirzanov Zakir Maratovich	Paxta yetishtirish va qayta ishlash klasterlarida resurslardan foydalanish samaradorligini oshirish va iqtisodiy yo'qotishlarni kamaytirish	111
15.	Тожибоева Дилором	XXI ахборотлар асри – қарор қабул қилиш жараёнининг мураккаблашуви асри	116
16.	Нурхонов Комилжон Товқараевич	Яшил иқтисодиётга ўтиш йўллари ва устуворликлари	124
17.	Saydullayev Nodirbek Narzullayevich	Inflyatsion targetirlash sharoitida markaziy bank valyuta intervensiyalari strategiyasini takomillashtirish mexanizmlari	132
18.	Хусаинов Равшан Рахимович	Сравнительный анализ налоговых систем зарубежных стран и трансформация их для Узбекистана	143
19.	Maxkamova Nazokat Umarali qizi	O'zbekiston iqtisodiyotida to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalarning o'rni	150
20.	Abduraxmanova Muqaddas Toxtasinovna	Temir yo'l transporti korxonalarining ekologik-iqtisodiy samaradorligini oshirishning innovatsion mexanizmlari	156
21.	Kuliboyev Azamat Shonazarovich	Davlat tibbiyot tashkilotlarida buxgalteriya hisobi: nazariya, amaliyot va uslubiyot	165





22.	Jaxbarov Jamshidbek Tilavoldi o'g'li	Raqamli texnologiyalar asosida budget tashkilotlarida davlat moliyaviy nazoratini takomillashtirish: Farg'ona viloyati misolida	179
23.	Xasanova Shaxzoda Sarvarq qizi	Avtomatlashtirish davrida ayollarning mehnat bozorida transformatsiyasi: global tendensiyalar va O'zbekistonning 2030-yilgacha imkoniyatlari	188
24.	Abdullaeva Nilufar Javdat qizi	Бюджет ташкилотларида узок муддатли активлар билан боғлиқ молиялаштириш манбалари	194
25.	Худойкулова Дилора Дилмуродовна	Обеспечение надежности аудиторских доказательств при аудите долгосрочных активов	200
26.	To'xtayev Umidjon Shuhrat o'g'li	Xususiy tibbiy xizmatlar raqobatbardoshligini oshirish yo'llari	209
27.	Djumaniyazov Shavkat Raximovich	Yangi O'zbekistonda tadbirkorlikni rivojlantirish istiqbollari	216
28.	Siroj Zarina Rustambekovna	O'zbekistonda demografik jarayonlarni statistik prognozlash va monitoring tizimini takomillashtirish	223
29.	To'laev Safarmurod Boymuhammad o'g'li	Korporativ mijozlarga innovatsion bank xizmatlarini rivojlantirishning xorijiy tajribasi	229
30.	Эрдонаев Аликул Халимович	Банк технологиялари ва масофавий банк хизматларининг турларидан фойдаланиш амалиёти	236
31.	Муродов Бобиржон Хаётжон ўғли	Иқтисодиётда яширин меҳнат ресурслари айланмаси: иш берувчиларни масъулияти ва норасмий бандликни бартараф этишнинг тизимли ечимлари	247
32.	Abdullayeva Shaxnoza Erkinovna	Aholini ijtimoiy himoya qilish tizimini molialashtirish samaradorligini baholash metodologiyasini takomillashtirish	253
33.	Саттаров Тулкин Абдихалилович	Қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий барқарорлигини баҳолаш моделлари	261





**ИҚТИСОДИЁТДА ЯШИРИН МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ АЙЛАНМАСИ: ИШ
БЕРУВЧИЛАРНИ МАСЪУЛИЯТИ ВА НОРАСМИЙ БАНДЛИКНИ БАРТАРАФ
ЭТИШНИНГ ТИЗИМЛИ ЕЧИМЛАРИ**

Муродов Бобиржон Ҳаётжон ўғли

*мустақил тадқиқотчи
Тошкент давлат
иқтисодиёт университети
E-mail: bobur0053@mail.ru
ORCID: 0009-0009-5357-2647*

Аннотация. Мазкур мақолада меҳнат бозоридаги норасмий меҳнат муносабатлари, яширин бандлик ва норасмий сектордаги бандлик муаммолари тадқиқ этилган. «Норасмий (яширин) бандлик» тушунчасининг мазмун-моҳиятига оид илмий-назарий ёндашувлар таҳлил қилиниб, меҳнат бозори, аҳоли даромадлари, иш ҳақи ва тўлиқ бўлмаган бандликни ифодаловчи кўрсаткичлар ўрганилган.

Калит сўзлар: норасмий бандлик, яширин бандлик, норасмий иқтисодиёт, яширин иқтисодиёт, меҳнат бозори, меҳнат муносабатлари, норасмий сектор, аҳоли бандлиги, меҳнат даромадлари, институционал механизмлар.

**ОБОРОТ СКРЫТЫХ ТРУДОВЫХ РЕСУРСОВ В ЭКОНОМИКЕ:
ОТВЕТСТВЕННОСТЬ РАБОТОДАТЕЛЕЙ И СИСТЕМНЫЕ РЕШЕНИЯ ПО
СОКРАЩЕНИЮ НЕФОРМАЛЬНОЙ ЗАНЯТОСТИ**

Муродов Бобиржон Ҳаётжон угли

*независимый исследователь
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail: bobur0053@mail.ru
ORCID: 0009-0009-5357-2647*

Аннотация. В статье исследуются проблемы неформальных трудовых отношений, скрытой занятости и занятости в неформальном секторе на рынке труда. Проанализированы научно-теоретические подходы к определению сущности понятия «неформальная (скрытая) занятость», а также показатели, характеризующие состояние рынка труда, доходы населения, уровень заработной платы и неполную занятость.

Ключевые слова: неформальная занятость, скрытая занятость, неформальная экономика, теневая экономика, рынок труда, трудовые отношения, неформальный сектор, занятость населения, трудовые доходы, институциональные механизмы.

**HIDDEN LABOUR RESOURCE CIRCULATION IN THE ECONOMY: EMPLOYER
RESPONSIBILITY AND SYSTEMIC SOLUTIONS TO REDUCE INFORMAL
EMPLOYMENT**

Murodov Bobirjon Xayotjon ugli

*independent researcher
Tashkent State the University
of Economics
E-mail: bobsn0053@mail.ru
ORCID: 0009-0009-5357-2647*

Abstract. This article examines the problems of informal labor relations, hidden employment, and employment in the informal sector of the labor market. The study analyzes





scientific and theoretical approaches to defining the essence of the concept of “informal (hidden) employment,” as well as indicators characterizing the state of the labor market, household incomes, wage levels, and underemployment.

Keywords: *informal employment, hidden employment, informal economy, shadow economy, labor market, labor relations, informal sector, employment, labor income, institutional mechanisms.*

Кириш

Норасмий меҳнат муносабатлари, жумладан, яширин бандлик ва норасмий сектордаги бандлик масалалари, уларнинг иқтисодий мазмуни ҳамда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳадаги аҳамияти меҳнат бозоридаги институционал ўзгаришлар билан узвий боғлиқ бўлган долзарб илмий йўналишлардан бири ҳисобланади. Норасмий бандликнинг кўлами, шакллари, унинг юзага келиш омиллари ва расмий меҳнат бозорига ўтиш механизмлари халқаро ва миллий илмий адабиётларда кенг тадқиқ этилган [1–5].

Адабиётлар шарҳи

Қатор мутахассислар «норасмий бандлик» категориясини меҳнат муносабатлари тегишли тарзда расмийлаштирилмаган ҳолда даромад келтирувчи фаолият сифатида талқин қиладилар [1; 2].

Айрим мутахассислар мазкур ҳодисанинг турли жиҳатларини қамраб олган янада кенгроқ таърифни таклиф этадилар. Уларнинг фикрига кўра, «...норасмий бандлик ходим ва иш берувчи ўртасида меҳнат вазифасини бажариш бўйича меҳнат шартномаси тузилмаган ҳолда юзага келадиган, ахлоқий-этик тамойилларга зид бўлмаган меҳнат муносабатлари тури бўлиб, у оғзаки келишувлар асосида амалга оширилади [1; 3].

Бунда иш берувчининг давлат томонидан белгиланган ижтимоий кафолатларни таъминлаш харажатларини камайтириш, шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат ва дам олиш режими ҳамда хавфсиз меҳнат шароитларига риоя этишни тартибга солувчи меҳнат ҳуқуқи нормаларини бажаришдан бўйин товлаш мақсад қилинади».

Бошқа олимларнинг норасмий бандлик тушунчасига берган таърифларида эса жиноий-криминал хусусиятлар ҳам намоён бўлади. Уларнинг талқинига кўра, «...норасмий бандлик — юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга ошириладиган, солиққа тортиш, ижтимоий ҳимоя ва меҳнат қонунчилиги талабларига риоя этиш мақсадида декларация қилинмайдиган, жамият ва давлатдан яшириладиган ҳамда коррупцион алоқаларга асосланган даромад олишга қаратилган фаолиятдир».

Мутахассислар норасмий бандликнинг бошқа жиҳатларига эътибор қаратиб, мазкур соҳада доимий иш ўринлари ва қонунчиликда назарда тутилган иш ҳақи, ижтимоий кафолатлар ва бошқа меҳнат ҳуқуқлари мавжуд эмаслигини таъкидлайдилар [1; 4; 5].

Норасмий сектордаги бандликка эътибор қаратганда, мазкур сектор расмий белгиларига кўра норасмий бандлик билан айнан бир тушунча эмаслигини ва статистик баҳолаш ҳамда ҳисобга олиш объекти бўлиши лозимлигини таъкидлаш зарур. Миллий статистика қўмитасининг методологиясига кўра, хўжалик юритувчи субъектни норасмий секторга киритишнинг асосий мезони унинг юридик шахс мақомига эга эмаслиги ҳисобланади. Булар қаторига ўзини ўзи банд қилган шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва улар томонидан ёлланган ходимлар ҳамда юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтмаган бошқа шахслар киради. Жумладан, транспорт, умумий овқатланиш, савдо соҳаларида фаолият юритувчилар, нотариуслар, аудиторлар, шифокорлар ва бошқа мутахассислар шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, норасмий секторни норасмий иқтисодиёт билан бир хиллаштириш мумкин эмас. Оғзаки келишув асосида меҳнат қилаётган фуқаролар эса ҳозирги вақтда расмий статистик ҳисоб доирасидан ташқарида қолмоқда.

Давлат ва жамият учун иқтисодиётнинг норасмий секторидаги бандликнинг ўзини





мутлақо чеклаш мақсадга мувофиқ эмас, чунки мазкур сектор амалдаги қонунчилик доирасида фаолият юритиши мумкин. Шу сабабли яширин иқтисодиёт кўламини ва унда иштирок этаётган фуқаролар сонини аниқлаш механизмлари ҳамда мезонларини ишлаб чиқишга кўпроқ эътибор қаратиш муҳим [6–9;].

Шу билан бирга, яширин иқтисодиёт кўлами қисқармас экан, норасмий бандлик миқёсини ҳам сезиларли даражада камайтириш қийин. Бироқ бугунги кунда норасмий, жумладан, расмийлаштирилмаган иккиламчи ва бошқа турдаги бандлик кўп ҳолларда аҳолининг тирикчилик қилиши учун ягона имконият бўлиб қолмоқда. Яширин иқтисодиёт мавжуд экан, унда иштирок этишга тайёр бўлган кишилар ҳам деярли ҳар доим ва ҳар қандай ҳудудда топилади. Бу ҳолат, айниқса, юқори даражада дотацияга муҳтож ва меҳнат ресурслари ортиқча бўлган ҳудудлар учун долзарб аҳамиятга эга [1; 4; 8].

Яширин иқтисодиётни легаллаштириш, ўз навбатида, яширин бандлик кўламини қисқартиришга олиб келиши алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг ахборот-таҳлилий базасини Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитасининг маълумотлари, ОАВларинг очик маълумотлар базаси, шунингдек, норасмий иқтисодий ва меҳнат муносабатлари соҳасида ихтисослашган маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий нашрлари ташкил этади. Тадқиқотда статистик, мантикий, киёсий ва гипотетик усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Норасмий бандлик замонавий меҳнат бозорининг долзарб институционал муаммоларидан бири бўлиб, унинг таъсири фақат давлат бюджети даромадларининг камайиши билан чекланмайди.

Мазкур ҳодиса меҳнат муносабатларининг расмийлаштирилмаганлиги натижасида аҳолининг ижтимоий ҳимоя механизмларидан фойдаланиш имкониятларини чеклайди, меҳнат ҳуқуқларининг кафолатланиш даражасини пасайтиради ва меҳнат бозоридаги институционал барқарорликка салбий таъсир кўрсатади.

Шу нуқтаи назардан, норасмий бандликни иқтисодий фаолиятнинг алоҳида шакли сифатида эмас, балки фискал, ижтимоий ва институционал хусусиятларга эга бўлган комплекс муаммо сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқ [1; 4; 5].

Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотларига кўра, жаҳон миқёсида 2 млрддан ортиқ киши норасмий секторда банд бўлиб, бу жаҳон аҳолисининг қарийб чорак қисmini ташкил этади [12;]. Норасмий бандликнинг бундай юқори даражаси меҳнат бозорида расмий институтлар билан қамраб олинмаган аҳоли қатлами салмоқли эканини кўрсатади.

Айниқса, норасмий меҳнат муносабатларида иштирок этувчи шахслар, одатда, барқарор меҳнат шартномаси, ижтимоий суғурта, пенсия таъминоти, ишсизликдан ҳимояланиш ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг институционал механизмларидан тўлиқ фойдаланиш имкониятига эга бўлмайди.

Ўзбекистон меҳнат бозоридаги мавжуд ҳолат ҳам мазкур масаланинг долзарблигини тасдиқлайди. Мамлакатда иқтисодий фаол аҳоли сони 15,1 млн нафарни ташкил этиб, шундан 14,3 млн нафари иш билан таъминланган. Иқтисодий фаол аҳолининг 7,5 млн нафари ёки 50 фоизи расмий секторда меҳнат фаолиятини амалга оширмоқда [13;].

Шу билан бирга, 4,4 млн нафар ёки 29,6 фоиз аҳоли ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган, 836,4 минг нафар (5,8 фоиз) ишсизлар қатламини ташкил этади, 1,4 млн нафар (9,1 фоиз) фуқаро эса хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширмоқда [12;].

Шу ўринда норасмий бандлик даражасининг сўнгги икки йил мобайнида иқтисодий фаол аҳолига нисбатан 35,8 фоиз атрофида сақланиб қолаётгани алоҳида эътиборни талаб этади. Мазкур кўрсаткич мутлақ ифодада қарийб 5,4 млн нафар аҳоли норасмий меҳнат





муносабатлари доирасида фаолият юритаётганини англатади [12;].

Демак, меҳнат бозорида расмийлаштирилмаган бандлик кўламининг юқорилиги аҳолининг сезиларли қисми меҳнат қонунчилигида назарда тутилган ижтимоий ва ҳуқуқий кафолатлардан тўлиқ фойдалана олмаётганини кўрсатувчи муҳим индикатор сифатида намоён бўлади.

Норасмий бандликнинг яна бир муҳим жиҳати унинг давлат молияси ва солиқ базасига таъсири билан боғлиқ. Норасмий банд аҳоли даромадлари меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори — 1,27 млн сўм асосида шартли ҳисобланган тақдирда, ушбу меҳнат фаолиятдан давлат бюджетига тушиши мумкин бўлган солиқ тушумларининг тахминий ҳажми 17,9 трлн сўмни ташкил этади. Мазкур ҳисоб-китоб норасмий меҳнат муносабатларининг фискал салоҳиятдан тўлиқ фойдаланиш имкониятини чеклаётганини кўрсатади.

Норасмий бандликнинг соҳалар ва ҳудудлар кесимидаги тақсимооти мазкур ҳодисанинг айрим иқтисодий фаолият турлари ва меҳнат ресурслари юқори жамланган ҳудудларда концентрациялашган хусусиятга эга эканини кўрсатади.

Хусусан, умумий норасмий бандлик таркибида қишлоқ хўжалигининг улуши 57 фоизни, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 26,8 фоизни, қурилиш соҳасининг улуши 2,7 фоизни ҳамда умумий овқатланиш соҳасининг улуши 2,4 фоизни ташкил этмоқда. Ҳудудлар кесимида эса норасмий бандликнинг юқори улуши Фарғона (13 фоиз), Самарқанд (12 фоиз) ва Наманган (11 фоиз) вилоятларида кузатилмоқда [12;].

Мазкур соҳалар ва ҳудудларнинг жами улуши 88,6 фоизни ташкил этиши норасмий бандликни қисқартириш сиёсатида умумий ёндашув билан бир қаторда, юқори хавф концентрацияси мавжуд бўлган тармоқ ва ҳудудларга йўналтирилган манзилли механизмларни ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Айниқса, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, қурилиш ва умумий овқатланиш каби меҳнат ресурсларидан фойдаланиш интенсивлиги юқори бўлган соҳаларда меҳнат муносабатларини расмийлаштириш механизмларининг содда, тезкор ва иқтисодий жиҳатдан мақбул бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, норасмий бандликнинг иқтисодий оқибатларини фақат бюджетга тушмай қолаётган солиқлар ҳажми орқали баҳолаш чекланган ёндашув ҳисобланади. Чунки норасмий меҳнат муносабатларининг кенгайиши меҳнат бозорида ижтимоий суғурта тизимининг қамровини қисқартиради, пенсия ҳуқуқларининг шаклланишига таъсир кўрсатади, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятларини чеклайди ҳамда аҳолининг иқтисодий барқарорлигига нисбатан қўшимча хатарларни юзага келтиради.

Бундан ташқари, норасмий бандликнинг гендер жиҳатлари ҳам мавжуд бўлиб, меҳнат бозорида ижтимоий кафолатлардан маҳрум бўлган қатламнинг кенгайиши ижтимоий ва иқтисодий тенгсизликларнинг чуқурлашишига олиб келиши мумкин.

Шундай қилиб, норасмий бандликни қисқартириш меҳнат бозорини расмийлаштиришнинг оддий фискал воситаси эмас, балки инсон капитали, ижтимоий ҳимоя, меҳнат ҳуқуқлари ва давлат молияси ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таъминлашга қаратилган комплекс институционал вазифа сифатида қаралиши лозим.

Шу нуқтаи назардан, норасмий бандлик даражасини пасайтиришнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш меҳнат муносабатларини расмийлаштиришни рағбатлантириш, ижтимоий суғурта қамровини кенгайтириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва аҳолининг расмий меҳнат бозорида иштирок этишини иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш чораларини ўзаро уйғунлаштиришни талаб этади.

Хулоса

Таҳлил натижалари норасмий бандликнинг сақланиб қолишига таъсир кўрсатаётган асосий омиллар институционал, ҳуқуқий ва маъмурий хусусиятга эга эканини кўрсатмоқда.

Биринчидан, ходимлар билан меҳнат шартномаларини тезкор ва тўлиқ рақамли





шаклда расмийлаштириш имкониятларининг етарли даражада соддалаштирилмагани иш берувчилар учун маъмурий юкломани оширмоқда. Хусусан, меҳнат шартномасини расмийлаштириш жараёни ҳар бир янги ходим учун ўртача 2 соат вақт ва 90 минг сўм миқдорида харажат талаб қилиши расмий меҳнат муносабатларини шакллантиришнинг транзакцион харажатлари мавжудлигини кўрсатади. Бу эса, айниқса, қисқа муддатли ва мавсумий иш ўринлари кўп бўлган соҳаларда норасмий меҳнатдан фойдаланишга рағбатни кучайтириши мумкин.

Иккинчидан, кунбай ва соатбай ҳақ тўланадиган меҳнат муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан аниқ тартибга солиш ва уларни рақамли шаклда расмийлаштириш механизмларининг етарлича такомиллашмагани иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат шартларига оид низолар юзага келишига замин яратади. Айниқса, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида қисқа муддатли меҳнат муносабатларининг кенг тарқалганини инобатга олган ҳолда, мазкур сегмент учун алоҳида рақамли меҳнат шартномаси механизмини жорий этиш зарурати мавжуд [10].

Учинчидан, мавсумий меҳнат муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалардаги мавжуд бўшлиқлар меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва кадрлар қўнимсизлиги билан боғлиқ муаммоларни кучайтирмоқда.

Хусусан, қишлоқ хўжалиги, умумий овқатланиш, савдо ва қурилиш соҳаларида янги ишга қабул қилинган ҳар 10 нафар ходимдан 7 нафари тўртинчи иш кунига келиб иш жойини тарк этаётгани меҳнат муносабатларининг қисқа муддатли ва ўзгарувчан хусусиятини ҳисобга оладиган ҳуқуқий механизмларга эҳтиёж юқорилигини кўрсатади.

Тўртинчидан, “Ягона миллий меҳнат тизими” (my.mehnat.uz) ахборот тизимига ишга қабул қилинган ходимлар ҳақидаги маълумотларни ўз вақтида киритиш талабининг бажарилмаслиги учун таъсирчан жавобгарлик механизмларининг мавжуд эмаслиги меҳнат ва солиқ ахборот тизимлари ўртасида маълумотлар тафовути шаклланишига олиб келиши мумкин. Натижада расмий меҳнат муносабатлари бўйича статистик ва фискал маълумотларнинг ўзаро мувофиқлиги пасаяди ҳамда норасмий бандликни аниқлаш ва баҳолаш жараёни мураккаблашади.

Юқоридаги таҳлиллар норасмий бандлик муаммосининг асосий сабаблари фақат иш берувчиларнинг қонунчилик талабларига риоя қилмаслиги билан изоҳланмаслигини кўрсатади.

Мазкур ҳодисанинг сақланиб қолишига меҳнат муносабатларини расмийлаштириш харажатлари, қисқа муддатли ва мавсумий меҳнатни ҳуқуқий тартибга солишдаги институционал бўшлиқлар, рақамли платформалардан фойдаланишдаги маъмурий тўсиқлар, шунингдек, назорат ва жавобгарлик механизмларининг етарлича мутаносиб эмаслиги ҳам таъсир кўрсатмоқда [4; 5; 8–10].

Шу боис норасмий бандликни қисқартириш сиёсати асосан жазо чораларини кучайтиришга эмас, балки расмий меҳнат муносабатларига ўтишнинг транзакцион харажатларини камайитириш, уларни рақамлаштириш ва иш берувчи ҳамда ходим учун расмийлаштириш жараёнини иқтисодий ва маъмурий жиҳатдан соддалаштиришга қаратилган комплекс ёндашувга асосланиши мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. International Labour Organization. *Women and Men in the Informal Economy: A Statistical Picture*. 3rd ed. Geneva: International Labour Office, 2018. Расмий ILO манбаси
2. International Labour Organization. *More than 60 per cent of the world's employed population are in the informal economy*. Geneva: ILO, 2018. Расмий ILO манбаси
3. International Labour Organization. *Measuring Informality: A Statistical Manual*. Geneva: International Labour Office, 2013.
4. International Labour Organization. *Addressing Informality: An ILO Perspective*. Geneva: ILO, 2021. ILO манбаси





5. International Labour Organization. *Decent Work and the Informal Economy*. Report VI, International Labour Conference, 90th Session. Geneva: International Labour Office, 2002.
6. Schneider F., Enste D. H. Shadow Economies: Size, Causes, and Consequences // *Journal of Economic Literature*. 2000. Vol. 38, No. 1. P. 77–114.
7. Williams C. C., Schneider F. *Measuring the Global Shadow Economy: The Prevalence of Informal Work and Labour*. Cheltenham: Edward Elgar Publishing, 2016.
8. Perry G. E., Maloney W. F., Arias O. S., Fajnzylber P., Mason A., Saavedra-Chanduvi J. *Informality: Exit and Exclusion*. Washington, D.C.: World Bank, 2007.
9. La Porta R., Shleifer A. Informality and Development // *Journal of Economic Perspectives*. 2014. Vol. 28, No. 3. P. 109–126.
10. International Labour Organization. *Non-standard Employment around the World: Understanding Challenges, Shaping Prospects*. Geneva: International Labour Office, 2016. Расмий ILO манбаси
11. Ўзбекистон Республикаси. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. 2022 йил 28 октябрдаги ЎРҚ-798-сон Қонун. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси (LexUZ)
12. Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси. Меҳнат бозори статистикаси. Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси. Миллий статистика қўмитаси расмий сайти
13. Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси. Солиқ статистикаси ва солиқ маъмуриятчилигига оид маълумотлар. Тошкент. Солиқ қўмитаси расмий сайти

